

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

1997 йил 25 февраль

Тошкент шаҳри

Сурхондарё вилояти ҳокимининг 1996 йил 15 августдаги 164-рақамли фармойишининг Конституцияга мослигини текшириш тўғрисидаги иш бўйича

Конституциявий суд Раис Б.Эшонов, судьялар О.Эрназаров, Ғ.Абдумажидов ва Г.Пиржановдан иборат таркибда,

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 1-бандига ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига амал қилиб,

Сурхондарё вилояти ҳокимининг 1996 йил 15 августдаги 164-рақамли фармойишининг Конституцияга қанчалик мослиги тўғрисидаги ишни очик суд мажлисида кўриб чиқди.

Масалани кўриб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари О.Эрназаров, Ғ.Абдумажидов, Г.Пиржановнинг Сурхондарё вилояти ҳокимининг 1996 йил 15 августдаги 164-рақамли фармойишининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қанчалик мослигини текшириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги ташаббуси асос бўлди.

Маърузачи судья Г.Пиржановнинг ахборотини эшитиб ва иш материалларини текшириб, Конституциявий суд қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Сурхондарё вилояти ҳокими томонидан 1996 йил 15 августда қабул қилинган 164-рақамли фармойишда «Сурхондарё» номли рангли китоб-альбомни тайёрлаш ва чоп этиш мақсадида унга боғлиқ харажатларни қоплаш учун Денов пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига 200 (икки юз) тонна «Прима» момигини ажратиб, Новосибирск қоғоз комбинатига юбориш таклиф қилинган. Комбинат эса, ўз навбатида, 110 минг АҚШ долларини Финляндиядаги фирмага тўлаши кўзда тутилган. Шу муносабат билан Сурхондарё вилояти ҳокими пахта тайёрлаш ҳиссадорлик жамияти зиммасига 5.800 минг сўм пул маблағини ҳомий ташкилот ва корхоналар ҳисобидан тўлаш мажбуриятини юклаган. Шундай қилиб, ҳиссадорлик жамиятининг ўз маблағидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳукуқи очикдан-очик бузилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 113-

моддасида: Давлат акциядорларнинг ҳуқуларини ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди. Жамиятнинг хўжалик ва бошқа фаолиятига давлат органлари ва бошқа органларининг аралашшига йўл қўйилмайди, деб кўрсатилган.

Сурхондарё вилояти ҳокими ҳиссадорлик жамиятининг хўжалик ишларига аралашиб ўз мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаган.

Баён қилинганларга кўра ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 25, 26 ва 27-моддаларига амал қилиб, Конституциявий суд

қ а р о р қ и л д и:

1. Сурхондарё вилояти ҳокимининг 1996 йил 15 августдаги 164-рақамли «Сурхондарё» номли рангли китоб-альбомни тайёрлаш ва чоп этиш тўғрисидаги фармойиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига мувофиқ эмас деб топилсин.

2. Ушбу қарор қатъий, унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди**